

---

## Марғилон шаҳрида Ёшлар етакчиларига энг сўнги русумдаги планшетлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январь кунги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Марғилон шаҳридаги 54 та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолият бошлади.

Бугун шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида 4 та сектор раҳбарлари иштирокида ёшлар етакчиларининг иш фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг ҳар бирига сўнги русумдаги планшетлар топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан етакчилар кўрсатилган юксак эътибор ва яратиб берилаётган шароитлардан оқилона фойдланиб, ўз маҳаллаларидаги ёшлар ўртасида маданият, санъат, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологиясидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасидаги вазифаларига сидқидилдан ёндошишга ваъда беришди.

2022-03-10 17:37:13